ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙРЛАШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Н. А. Худайбердиева
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги педагог кадрлар тайёрлаш тизимидаги муаммолар таҳлил қилинган. Спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлашнинг сифатини яхшилаш, муаммоларни аниқлаш, уларга бўлган талаб ва эҳтиёжни аниқлаш, маҳаллий ва хорижий тажрибаларни умумлаштириш, ўтган ва бугунги кундаги жараёнларни таҳлилий нуқтаи-назардан таққослаш ҳолатларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия, спорт, бошқариш, педагог-мураббий,спорт секциялари, спорт-таълим муассасалари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, эксперимент услубияти, баҳолаш модели.

THE IMPORTANCE OF MANAGING THE TEACHER TRAINING SYSTEM IN THE FIELD OF PHYSICAL TRAINING AND SPORTS

N. A. Khudoyberdiyeva
Senior Lecturer at the Uzbek State University of Physical Culture and Sports

ABSTRACT

This article analyzes the problems in the system of teacher training in the field of physical education and sports. The main attention is paid to improving the quality of training of specialists in the field of sports, identifying problems, identifying their needs and requirements, summarizing local and international experience and comparing current and current processes from an analytical point of view.

Keywords: physical education, sports, management, teacher-trainer, sports sections, sports and educational institutions, regulatory documents, experimental methodology, assessment model.

КИРИШ

Жаҳон амалиётидан маълумки, таълим тизимини ривожлантириш ва сифатли таълим хизматларини кўрсатиш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш лозим. Юқори

малакали кадрлар тайёрлаш борасида Юнеско томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “сифатли таълим ижодий тафаккурни ва билимни рағбатлантиради, саводхонлик ва ҳисоб малакалари асосларини, шунингдек, таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш, фикрлаш ҳамда бошқа шахслараро ва ижтимоий муносабат кўникмаларини юқори даражада эгаллашни кафолатлайди” деб таъкидлаб ўтилган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини бошқариш ва раҳбарлик қилиш, соҳа учун етук кадрлар тайёрлаш, ўқув-малакаларини замон талаблари асосида ошириб бориш муҳим муаммолардан биридир.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини бошқаришга хос бўлган омиллар, айнан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини бошқаришни турли усул, механизм ва дастаклар орқали давлат томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига асосланиб жисмоний тарбия ва спорт муассасалари раҳбарлари томонидан тартибга солиш ва самарали бошқариш объектив заруратга айлантиради.

Бугунги кунда таълим соҳасида педагогик кадрлар тайёрлаш фаолиятида бошқарув фаолиятни шакллантирмасдан туриб ижобий натижага эришиб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “Болалар спортининг оммавийлигини ошириш ҳамда мусиқа ва санъат таълимини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, 251 та умумтаълим мактаби, 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт залларини қуриш, 9 та ёпиқ сузиш ҳавзасини қуриш ва 2 тасини реконструкция қилиш” ишларини амалга ошириш таъкидлаб ўтилган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожланишига статистик маълумотларга таянган ҳолда ёндашадиган бўлсак, республикамизда жисмоний тарбия-спорт ходимлари сони 49250 тани, шундан спорт мураббийлари сони 13153 тани, бундан ташқари, спорт секцияларини юритувчи ўқитувчилар (инструкторлар) сони 38326 тани, спорт заллари сони 10397 тани, стадионлар 399 тани, шуғулланаётган спортчилар сони 6465030 тани, спорт секцияси ва бўлимларида дарсдан ва ишдан ташқари спорт билан шуғулланаётганлар сони 2624328 тани, спорт мактаблари сони 225 тани ташкил этади. Шунингдек, спорт

иншоотлари 51306 тани, спорт федерациялари сони 98 тани, спортга ихтисослашган коллежлар 15 тани ва ОТМ лар сони 1 тани ташкил этади.

НАТИЖАЛАР

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассис педагог кадрларга бўлган эҳтиёж катта. Деярли, барча вилоятларда педагогика институтлари ва университетларида жисмоний тарбия факультетлари фаолият юритиб келмоқда ҳамда тайёрланаётган кадрлар бевосита жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида, умум таълим мактабларида, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва турли спортга ихтисослашган мактаб ва спорт коллежларида педагог-мураббий ҳамда спорт услубиётчиси лавозимларида фаолият юритиб келмоқда.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича спорт-таълим муассасалари мураббийлар таркиби динамикаси таҳлили

Долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этиш жоизки, ҳар бир ҳудуддаги ёшларнинг спорт турларига бўлган талабини ўрганган ҳолда спорт объектларини спорт соҳасидаги кадрлар билан таъминлаш ва бу борада доимий равишда мониторинг ишларини ташкил этиш масаласи ҳали ўз ечимини топганича йўқ.

Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида республика бўйича спорт-таълим муассасалари мураббийлар салоҳияти таркибини аниқлаш ҳамда мураббийлар билан таъминлаш даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2015 йилда соҳадаги умумий спорт-таълим муассасаларининг жами мураббийлар сони 10612 тани ташкил этган бўлса, шундан аёл педагог-мураббийлар сони 2809 тани ташкил этган (1-расм).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2016 йилга келиб, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларидаги жами спортчи мураббийлар сони 10365 тани ташкил этган ва бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан кадрлар сони 247 тага камайган. Шунингдек, аёл спортчи-педагог мураббийлар сони 2825 тани ташкил этган бўлиб, 2015 йилга нисбатан 16 тага кўпайган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрлар фаолиятини бошқаришга таъсир этувчи жараёнларни тизимли ташкил этишга оид муаммоларни бартараф этиш, соҳада фаолият юритаётган педагог кадрларнинг салоҳият даражасини баҳолаш ҳамда тизимда бошқариш фаолияти самарадорлиги ўзига хос омиллар таъсирида амалга оширилиши мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрлар фаолиятини бошқаришга таъсир этувчи омиллар қаторига сиёсий-ҳуқуқий омилларни келтириб ўтиш ўринлидир, шунингдек, соҳани ривожлантиришда қонунчиликнинг мавжудлиги ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг соҳа ривожида тўғри тадбиқ этилганлик даражасига бевосита боғлиқ(1-жадвал).

МУҲОКАМА

Илмий тадқиқотларимиз айнан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрларни бошқаришда фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни эксперимент услубияти асосида баҳолашдан иборат. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрларни бошқариш фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни эксперимент (тажриба-синов) тариқасида вазиятни баҳолаш мақсадида ўз тадқиқотларимизни Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида 2017-2018 йилларда республика спорт таълими муассасаларининг “Раҳбар ва раҳбар ўринбосарлари” курси тингловчилари ўртасида амалга оширилди.

1–жадвал

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрларнинг бошқарув доирасидаги фаолиятини баҳолаш модели

Даража	Баҳолаш мезони	Бошқарув жараёнининг тавсифи
I	(0-25)	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрларнинг бошқарувдаги аниқ мақсад ва вазифалари белгилаб берилмаган ёки меъёридан ташқари ташкилий ишларнинг юкланиши. Бу борада айнан соҳани бошқаришга доир кўникмаларини ошириш мақсадида уларнинг функционал вазифаларини қайта кўриб чиқиш лозим.
II	(26-50)	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқаришда бошқарув тизими ходимлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан самарали даражада фойдалана олмаслиги, муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан бартараф қила олмаслиги, бу борада уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш талаб этилади.
III	(51-75)	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқаришда мустақил тарзда бошқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш шаклланмаган. Бошқарув тизимида юқорига бўйсуниш сақланиб қолинган. Бу эса мустақил бошқариш ва фаолият ривожига таъсир этмоқда.

IV	(76-100)	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори натижаларга эришаётган кадрларни рағбатлантириш ёки қўллаб-қувватлашни максимал даражада амалга ошириш лозим. Бу эса кадрларни бошқариш тизимидаги муаммоларни бартараф этилишига олиб келади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида педагог кадрларнинг бошқарув борасида спорт муассасаларининг 25 та раҳбар ва 150 та раҳбар ўринбосарларининг билим ва тажрибаларини баҳолаш мақсадида эксперимент тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотларимиз жараёнида уларнинг билим ва тажрибалари баҳоланди.

ХУЛОСА

Хулоса қисмида шуни таькидлаш керакки, жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонунига Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг педагог кадрлар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш натижасида соҳада кадрлар таъминотидаги муаммоларни, хусусан спортга ихтисослашган барча таълим муассасаларини педогогик кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга эришилади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришга хос бўлган омиллар, соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши ҳамда педагог кадрлар тизимини бошқаришда ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонликни оширилишини таъминлайди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини бошқаришдаги раҳбарларнинг ўзлари ташаббус кўрсатган ҳолда ўз фаолиятига кадрлар билан биргаликда ёндашиши, ташкил этилган лабароторияларда ишлашни ташкил этиш, жараённи кузатиш, баҳолаш, иш жараёнидаги камчиликларни аниқлаш ва хулоса чиқариш ҳамда бошқариш фаолиятда иштирок этаётган педагог кадрларни мунтазам рағбатлантириш механизмини такомиллаштириб боришга йўналтиради.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассис педагог кадрлар тайёрлашда ҳудудий кадрларга бўлган эҳтиёж катта, шу боис, ҳудудлардаги олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия факультетлари фаолият юритиб келмоқда ҳамда тайёрланаётган кадрлар бевосита жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида, умум таълим мактабларида, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва турли спортга ихтисослашган мактаб ва спорт коллежларида педагог-мураббий ҳамда спорт услубиётчиси лавозимларидаги кадрларни мониторинг қилиш ҳамда спорт объектларини спорт соҳадасиги педагогик кадрлар билан таъминланиши ва бу борада доимий равишда мониторинг ишларини такомиллаштиришдан далолат беради.

REFERENCES

1. Шукурова, С. С., & Алимова, Д. А. (2020). Развитие тренировочных нагрузок высококвалифицированных боксеров в горных регионах. *Молодой ученый*, (4), 454-456.
2. Шукурова, С. С., Маматова, З. А., & Юсупова, У. Р. (2020). Исследование количественного содержания аминокислотного спектра мембран эритроцитов и роль генетических и средовых факторов в ее формировании. *Интернаука*, (19-1), 21-22.
3. Ольховская, И. В., Шукурова, С. С., & Очилов, К. Т. (2020). Криптовалюта-новый шаг в мировой экономике. *Проблемы современной науки и образования*, (2 (147)).
4. Habibullayevna, B. G., Sobitjanovna, A. S., Makhmusovna, M., & Yusubjanovna, Z. (2020). Optimization Of Molecular-Genetic Methods For The Determination Of Resistance Markers Using Genotyping Of Actn3 And Ace Genes. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, *7*(10), 67-74.
5. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобақа олди тайёргарлик босқичларидаги толиқиш белгиларини турли ҳажмдаги таъсирига қараб юкламаларни тақсимлаш. *Фан-спортга*, (2), 42-45.
6. Умаралиева, Ф. Т., & Рахматова, Д. Н. (2019). Теннисга дастлабки ўргатиш босқичида тана мувозанатини сақлаш функциясини ўрни. *Фан-спортга*, 13-15.
7. Худойбердиева, Н. А. (2018). Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда спортчининг фаолиятга қизиқишини шакллантиришнинг психопедагогик хусусиятлари. *Фан-спортга*, 27-31.
8. Abduraxmonova, J. N., & Xolisov, B. A. (2020). Turkiston iqtisodiy kengashining o'lka ijtimoiy-iqtisodiy hayotiga ta'siri. *Ўтмишга назар*, (2), 63-73.
9. Xolisov, B. A. (2020). Sovet hokimiyatini o'rnatilishi va boshqaruv siyosati. *Oriental art and culture*, 115-118.
10. Дадабаев, О. Ж. (2020). Юқори малакалари дзюдочиларда ўқув-машғулот жараёнини режалаштириш хусусиятлари. *Фан-спортга*, 20-23.
11. Холбоев, Т. К. (2020). Обзор средств и технологий в процессе тренировки по легкой атлетике. *Наука, образование и культура,* (4 (48)).
12. Адилбеков, Т. Т., Маматова, З. А., Файзулаева, З. Р., Шукурова, С. С., & Тухтаева, Ф. Ш. (2020). Влияние физической нагрузки на систему" двигательное окончание-мышечное волокно". *Молодой ученый*, (9), 75-77.
13. Samarova, S. R. (2018). Forming Creative Vision of Person as Universal Method Enhancing Creativity. *Eastern European Scientific Journal*, (6).

14. Ражабов, Г. К., Каландаров, Д. Ш., & Каримов, Ш. К. (2016). Влияние изменений правил соревнований и судейства в боксе на тренировочный и соревновательный процесс. *Молодой ученый,* (21), 974-976.
15. Xoshimova, D. (2019). Features of Grow of Sensate–Expressive Speech in English Language at the Students via Conceiving by Listening. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *7*(12).
16. Xoshimova, D. R. (2020). Using effective methods in preschool and primary school educational system. *Science and Education*, *1*(5), 170-173.
17. Кдырова, М. А., & Абатова, Г. Н. (2021). Прессо-депрессорная разминка как эффективное средство настройки психофункциональной готовности спортсменов к соревнованиям. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
18. Bakitovich, A. E. (2020). Improvement of technologies of ecological education of pupils. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, *9*(6), 165-171.
19. Bakitovich, A. E. (2020). Practical forms and methods of" Improving environmental education technologies through protection of natural areas for students". *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(6), 173-177.
20. Айдаров, Е. Б. (2019). Ўқувчи-ёшларга маънавий-аҳлоқий тарбия бериш орқали экологик маданиятни шакиллантириш. *Замонавий таълим илмий-амалий оммабоп журнал*, *8*(81), 60-66.
21. Айдаров, Е. Б. (2019). Ўқувчига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш орқали экологик тарбия бериш. *Таълим-тарбия узлуксизлиги ва узвийлигида интегратив ёндошувлар вариативлиги*, 170-174.
22. Айдаров, Е. Б. (2019). Как правильно формировать экологическое воспитание у подростков. *Международной научно-практической конференции «II Юнусовские чтения: Модернизация ценностей Великой Степи как ключевой фактор развития науки и образования»*, *3*, 27-29.
23. Айдаров, Е. Б. (2019). ПОНЯТИЕ ОБ ЭКОЛОГИИ И КАК БЕРЕЧЬ ОКРУЖАЮЩЮЮ СРЕДУ. *Журнал научных и прикладных исследований*, 67.
24. ЯРАШЕВ, К., & РАСУЛОВ, З. (2020). Спорт фаолиятида мураббийларга хос қобилиятларнинг намоён бўлиши: педагогик-психологик таҳлил ва талаблар. *Фан-Спортга*, (4), 66-69.
25. Rabidjanovna, S. S., & Akramovna, M. M. (2020). The problem of the formation of creative abilities of students in foreign psychology. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *10*(5), 1937-1943.

26. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
27. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга,* (1), 56-60.
28. ИЛОВ, А. (2020). Шарқона яккакураш спорт турлари билан шуғулланувчиларда меъёрлаштирилган махсус машқларни бажариш тезлиги ва унинг гипоксик қиймати (каратэ мисолида). *Фан-Спортга,* (1), 65-68.
29. Ражабов, Г. К., Каландаров, Д. Ш., & Каримов, Ш. К. (2016). Влияние изменений правил соревнований и судейства в боксе на тренировочный и соревновательный процесс. Молодой ученый, (21), 974-976.